

6-10-2019

THE CRISIS OF HISTORICAL SCIENCE IN THE XX CENTURY AND APPROACHES TO ITS OVERCOMING

Pulat Kaxxarov

Independent researcher Civil Society and National Idea Department of SamSU

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu>



Part of the [Education Commons](#)

Recommended Citation

Kaxxarov, Pulat (2019) "THE CRISIS OF HISTORICAL SCIENCE IN THE XX CENTURY AND APPROACHES TO ITS OVERCOMING," *Scientific Bulletin of Namangan State University*. Vol. 1 : Iss. 2 , Article 176.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu/vol1/iss2/176>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in Scientific Bulletin of Namangan State University by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact brownman91@mail.ru.

THE CRISIS OF HISTORICAL SCIENCE IN THE XX CENTURY AND APPROACHES TO ITS OVERCOMING

Cover Page Footnote

???????

Erratum

???????

XX АСРДА ТАРИХ ФАНИНИНГ ИНҚИРОЗИ ВА УНИ БАРТАРАФ ЭТИШГА ДОИР ЁНДАШУВЛАР

Қаххоров Пулат Хурсанмуродович

СамДУ Фуқаролик жамияти ва миллий ғоя кафедраси
мустақил тадқиқотчиси

Аннотация: Мақолада XX асрдаги тарихшунослик инқирози, янги илмий парадигмалар, тамойиллар ва билиш усуллариининг алмашилишини тарих фанининг ижтимоий мавқеининг ўзгариб бориши билан содир бўлганлиги ҳақида айрим маълумотлар берилган. Шунингдек француз олими Февр Люсаннинг тарихий методологик инқилоби, Марк Блокнинг компаратив ёндашуви ва тарих фанида бошқа гуманитар фанларнинг ўрни тўғрисидаги фикрлари келтирилган.

Таянч сўзлар: Онтология, тарихий билиш, маданият, интуиция, варварлик, цивилизация

КРИЗИС ИСТОРИЧЕСКОЙ НАУКИ В XX ВЕКЕ И ПОДХОДЫ К ЕГО ПРЕОДОЛЕНИЮ

Қаххоров Пулат Хурсанмуродович

Независимый научный сотрудник кафедры гражданского общества и
национальной идеи СамГУ

Аннотация: В статье даны некоторые сведения о кризисе в историографии в XX веке, новых парадигмах, принципах и изменении методов познания, которые происходили вместе с изменением социального статуса исторической науки. Вместе с тем приведены мнения по поводу революции в методологии истории, совершенной французским ученым Февром Люсаном, компаративного подхода Марка Блока и месте других гуманитарных наук в исторической науке.

Ключевые слова: Онтология, историческое познание, культура, интуиция, варварство, цивилизация

THE CRISIS OF HISTORICAL SCIENCE IN THE XX CENTURY AND APPROACHES TO ITS OVERCOMING

Qaxhorov Pulat Khursanmurodovich

Independent researcher Civil Society and National Idea Department of SamSU

Abstract: The article provides some information about the crisis in historiography in the twentieth century, new paradigms, principles and changes in the methods of cognition, which occurred along with the change in the social status of historical science. At the same time, opinions on the revolution in the methodology of history, made by the French scholar Fevre Lusant, the comparative approach of Mark Bloc and the place of other humanities in historical science are cited.

Keywords: ontology, historical cognition, culture, intuition, barbarism, civilization

Бугунги кунга қадар тарихий билимлар ривожини бир неча бор кескин ўзгаришларга дучор бўлди, уларга олимлар бурилишлар деб ном берди. Мазкур ўзгаришлар фан предмети, унинг мазмуни, муаммолари, тадқиқот усуллари ва, охир оқибатда, касбий-илмий ва ижтимоий мавқеини қайтадан ўрганишга кенг имконият яратди. Айниқса, XX асрдаги тарихшунослик инқирози янги илмий парадигмалар, тамойиллар ва билиш усуллариининг алмашиши, шунингдек тарих фанининг ижтимоий мавқеининг ўзгариши билан боғлиқ ҳолда содир бўлди. Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А. Каримов таъкидлаганларидек, “Тарих хотираси халқнинг, жонажон ўлканинг, давлатимиз ҳудудининг ҳолис ва ҳаққоний тарихини тиклаш, миллий ўзликни англашни, таъбир жоиз бўлса, миллий ифтихорни тиклаш ва ўстириш жараёнида ғоят муҳим ўрин тутди”[1]. Шу нуқтаи назардан қараганда, бугунги кунда тарих фанининг ижтимоий мавқеининг юксалтириш билан боғлиқ муаммоларни илмий тадқиқ этиш долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Тарихий билимлар ривожидан маълумки, ҳар қандай билим соҳасида бирон-бир вақтда шундай вазият юзага келадигани, унинг устунлик қилиб турган илмий модели илмий жамоа томонидан олинган натижаларни тушунтириб бера олмайди. Фаннинг эмпирик маълумотлари ва унинг назарий қоидалари (постулатлари) ўртасидаги тафовут кучайиб боради. Шу нуқтаи-назардан қараганда, фандаги инқироз даври бу — фаннинг эски парадигмасининг бузилиши ва унинг ўзгарган воқеликка мос келадиган, янги образини фаол излаш давридир. Шунинг учун у кескин методологик мунозаралар, рақобатдош тадқиқот стратегияларининг пайдо бўлиши, фаннинг билиш майдонининг сезиларли даражада кенгайиши билан характерланади.[2]

XX асрда тарих фанининг инқирози олдинги асрда тарихий билишнинг шиддатли ривожланишининг қонуний оқибати бўлиб, унинг натижасида тарих тўғрисидаги назарий билимни унинг сезиларли даражада кенгайган эмпирик асоси (базаси) билан мослаштириш эҳтиёжини юзага келтирди. Айниқса, эски илмий парадигмани қайта кўриб чиқиш ҳаракати XIX—XX асрлар чегарасидаёқ, тарихий ва табиий-илмий билиш ўртасидаги жиддий фарқ қарор топиши билан бошланган, бу охир оқибатда тарих образининг ўзида туб ўзгаришга олиб келган. Бироқ XX асрнинг биринчи ўн йиллигида тарих фани аниқ, айрим, соддароқ элементларга бўлинмайдиган тарихий факт билан иш кўрадиган фан эканлигини ҳали ҳеч ким инкор қилмаган эди. Позитивизмга дадилроқ ҳужум Биринчи жаҳон уруши арафасида ва давомида амалга оширилган. Асрлар чегарасида бошланган методологик инқироз уруш йилларида улкан импульс (ички туртки) олган ва тарих фанининг умумий инқирозига айланган.

Тарихий билишнинг асосий тамойилларини қайта кўриб чиқишда XIX асрнинг охири - XX асрнинг бошларида илмий фикрда содир бўлган кескин бурилиш – физикадаги инқилоб муҳим рол ўйнади. Альберт Эйнштейннинг нисбийлик назарияси ҳамда физика ва математикадаги бошқа буюк кашфиётлар, фазо ва вақтнинг материя ҳаракати билан уйғун алоқадорлигини тан олиш ва бундан келиб чиқадиган табиий-илмий қонуниятларнинг эҳтимоллигини ва, бунга мос равишда, илмий ҳақиқатнинг эҳтимоллий, нисбий табиатидан келиб

чиққан, янги, релятивистик олам манзарасини (механистик олам манзарасининг ўрнини эгаллаган) асослаб берди. Кейинроқ мазкур илмий инқилобнинг глобал аҳамияти тўғрисида жуда аниқ қилиб Люсьен Февр шундай ёзган эди: “Шу нарса равшанки, олимларни (ёки, аниқроғи, фанни яратувчи, олға сурувчи ва кўп ҳолларда тадқиқотларни англаб етиш эмас, балки айнан тадқиқотларнинг ўзига муккасидан кетган тадқиқотчиларни) жалб қилган барча янги концепцияларнинг ҳақиқий бошланғич нуқтаси – менинг ёшлик пайтимдаги одамалар тасавуридаги фаннинг бутун биносини ларза келтирган буюк ва драматик нисбийлик назарияси бўлган” [3].

Тарих фанининг инқирозида муаммоларнинг қўйилиши ҳам жиддий таъсир кўрсатиш хусусиятига эга бўлган. Чунки муаммонинг қўйилиши бу — ҳар қандай тарихий тадқиқотнинг ҳам боши, ҳам охиридир. Муаммолар йўқ жойда — тарих ҳам йўқ, қуруқ сафсата ва қурамачилик (компиляция – бошқаларнинг ишидан улаб-қураб асар ёзиш)... «Илмий тадқиқот» формуласи ҳар қандай замонавий илмий иш асосида ётадиган икки ҳаракатни: муаммоларни қўйиш ва фараз (гипотеза) ишлаб чиқишни ўз ичига олади». Бу буюк француз олими Люсьен Феврнинг (1878—1956), ўзига ҳамфикр бўлган кишилар ва сафдошлари билан тарихда методологик инқилобни содир этган, XX асрнинг биринчи ярмида илмий билимда юзага келган вазиятнинг танлигини ҳаммадан кўра ёрқин тафсиблаб берган инсоннинг сўзлари. «Асрлар давомида олимлар авлодлари томонидан ишлаб чиқилган олам тўғрисидаги бутун бошли тасаввур бир туртки натижасида қуламоқда эди, бу – мавҳум, умумлашган, ўзида ўзининг ўзига тушунтириши мавжуд тасаввур эди... Эски назарияларни янгиларга ўзгартириш зарур эди. Ҳозирги вақтгача дунёқарашимиз асосланиб келган барча илмий тушунчаларни қайта кўриб чиқиш шарт эди» [4].

Февр тарихдан кўнгил қолиш, унга ишончни йўқотиш, тарих билан шуғулланиш – бекорга вақт сарфлаш деган аччиқ ҳақиқатни англашдан холи бўлишга фақат тарих ва унга яқин бўлган фанлар билан чамбарчас иттифоқни ўрнатибгина эришиш мумкинлигини тушунган. У тарихчилар, социологлар ва психологлар ўртасидаги ҳамкорлик учун жонбозлик қилган, чунки уларнинг умумий мақсади инсон шахсини ўрганишдан иборат. Ўтмишдаги исмсиз оммани ўрганиш учун ижтимоий психологияни, тарихий шахслар ҳаракатларини ўрганиш учун эса индивидуал психологияни қўллаш мумкин.

Тарих фани кризисини бартараф этишда француз тарихшунослиги етакчи рол ўйнаган, бунда бир неча авлод тарихчилар иштирок этган, улардан биринчилари Февр ва Марк Блок бўлганлар, улар ҳақиқий новаторлар бўлган, мазкур муҳим тўнтаришни амалга оширганлар ва тарихий билимга у йўқотган гуманистик мазмунини, одамлар қизиқишини, замонавий жамият ҳаёти билан боғлиқ муаммолар эътиборини тортган кенг миқёсли китобхонларни қайтариб берганлар. Қудратли тарихшунослик йўналишининг ва тарихий фикр ривожланишидаги янги босқичнинг бошида айнан улар турган, уларнинг тарихшуносликка қўшган ҳиссасини қисқа қилиб қуйидагича ифодалаш мумкин: янги муаммоларнинг қўйилиши, эски манбаларни янгича ўқиш (кўриш), уларни тадқиқ қилишда янги, анъанавий бўлмаган усуллардан фойдаланиш [5].

1929 йилда Блок ва Февр Ижтимоий ва иқтисодий тарих солномаси номли илмий журналга асос солдилар, у ўша вақтдан бери номланишиниши бир неча марта ўзгартирилган, ва шунинг учун уни одатта содда қилиб Солнома деб номлайдилар. Журналнинг биринчи сонидаяқ тарихга кенгроқ ёндашишга даъват қилинган. Фанлараро тарихга ва иқтисод, социология, ижтимоий психологи я каби ижтимоий фанлар вакиллари хамкорликдаги тадқиқотларга жалб қилишга йўналиш олинди. Мазкур фанлараро асосда “Солнома” мактаби” олимлари яхлит, бир бутун синтетик тарихнинг энг сўнгги тимсоли бўлган ҳаммасини ўз ичига олган «умумий («глобал») тарих» йўлида (оқимида) тарих фанининг мазмуни ва методологиясини кенгайтириш ва такомиллаштиришни давом эттирдилар. «Умумий (тотал) тарих» жаҳоншумулликка даъво қилмайди ва кўпроқ локал миқёсда: шаҳар ёки қишлоқ қавмлари (приход), алоҳида жой тарихи ва хатто анча чекланган даврда амалга оширилиши мумкин. Мазкур одамлар ва алоҳида жамоалар тарихи турли вазиятлар ва ундовчи сабаблар чатишиб кетган уларнинг ҳаёт ва фаолиятнинг барча жиҳатларини қайта тиклашни ўз мақсади қилиб қўйган[6].

“Солнома” мактаби” тарихчилари худди ҳар бир инсоннинг реал ҳаётидагидек одамлар ҳаётини сиёсий, хўжалик, диний ва бошқа соҳаларга ажратмайдилар. Уларнинг тадқиқоти тарихий ўтмишнинг ҳақиқатан стереоскопик, кўп даражали ва “инсонлаштирилган” манзарасини қайта тиклайди. Хусуан Февр таъкилаганидек: «Иқтисодий ва ижтимоий тарих мавжуд эмас. Бир бутунликдаги тарихнинг ўзи мавжуд. Ўз табиатига кўра ижтимоий бўлган тарих... Инсон, бизнинг тушунишимиз-да, унга хос бўлган барча фаолият турларининг марказидир; тарихчига бу турларнинг биттасига, масалан, иқтисодий фаолиятга, алоҳида қизиқиш билан муносабатда бўлиш йўл қўйилади. Бироқ биттагина шарт билан: ушбу турларнинг ҳар бири ва ҳар доим бир бутун инсонни қамрашини эсдан чиқармаслик керак... Тадқиқотларимиз предмети — воқеликнинг бирон-бир қисми эмас, инсон фаолиятининг алоҳида жиҳати эмас, балки ижтимоий гуруҳлар фониди кўриладиган ва уларнинг аъзоси бўлган инсоннинг ўзидир... Тарих — инсон ҳақидаги фандир, буни эсдан чиқармайлик». Шундай қилиб, тадқиқот предмети ўзгарди (у энди тарихдаги инсоннинг ўзи) ва тарих фани ҳам ўзгарди.

Марк Блок ўзининг “Тарих апологияси, ёки тарихчи Хунари” асарида тарих фанининг ёшлигини, усуллариининг номукамаллигини, таҳлилга асосланган фан сифатида шаклланишида унга яқин ижтимоий фанларнинг ролини таъкидлаган. Хусусан Дюркгеймнинг социологик мактабини кўзда тутиб, у ёзган эди: «У бизни чуқурроқ таҳлил қилишга, муаммоларни қатъийроқ чеклашни, айтардимки, бундай юзаки фикр юритмасликка ўргатган. Бу ерда у ҳақда фақат катта миннатдорлик ва ҳурмат билан сўз юритамиз. Ва агар бутун ундан ўтиб кетганлар бўлиб у орқада қолган бўлса, олдинми-кейинми барча ақлий оқимларни самарадорлиги туфайли шундай ўч кутади». Тарих фани олдидаги М. Блокнинг хизматларига компаратив (қиёсий-тарихий) ёндашувдаги бир-бирининг ўрнини босолмайдиган турли усулларни кўрсатиб бергани ҳам, шубҳасиз, киритиш лозим, у компаратив ёндашувни тадқиқотнинг янги муаммоларини ҳал қилишга

қўмаклашувчи самарадор эвристик восита деб ҳисоблаган. Унинг ўзи инглиз оғораживаниесига (деҳқон жамоаларига қарашли ерларнинг помещчиклар томонидан тортиб олиниши) ўхшаган француз аграр тарихи жараёнларини ўрганишда айнан шу усулга таяниб, илгари тарихчилар томонидан инобатга олинмаган, худди шундай трансформацияни XV—XVII асрлардаги Провансда ҳам очади. Бундан ташқари, Марк Блок муаммони компаратив усул ёрдамида қўриш у ёки бу ҳодисанинг теран сабабларини очиб бериш ва шу тарзда уни тушунтиришга қодир эканлиги эътиборни жалб қилади. Ва, ниҳоят, Блок қиёсий усулни бир назар ташлаганда ўхшаш алоҳида жараёнларнинг ўзига хослигини жуда аниқ намоён қилувчи процедура сифатида қўради, мазкур жараёнларни батафсил солиштириш улар ўртасидаги сезиларли фарқларни ойдинлаштиради[7].

Блок ва Февр айниқса Францияда тарихшуносликнинг позитивистик анъана-лари билан алоқани узадилар. Улар анъанавий, ҳикоя қилувчи ва билимдонлик қилувчи тарихшуносликка қарши, илмий тарих учун жанрлар олиб бордилар, тарих-ҳикояни қатъий рад қилдилар, тарих-муаммо концепциясини ишлаб чиқди-лар ва шу йўсинда тарихий ўтмишни ёритишда соддалаштирилган, воқеаларга оид ёндашувни енгдилар. Воқеаларни баён қилишга тарихий воқеликнинг теран қатламларини тадқиқ қилишни қарши қўйдилар. Улар матнда бехосдан, беихтиёр қилинган мулоҳазаларни, шунингдек тарихий матнлар муаллифлари ғайриихти-ёрий равишда, матнлар яратувчисининг ички цензурасидан ўтмасдан билдирилган “қолдиқни” топишга интилдилар. Илмий позицияни ажойиб қилиб Феврнинг: «Билган киши эмас, балки қидирган киши тарихчидир»[8] шиори белгилаб беради. Алишер Навоий қайд этганидек, “не ишдин мамлакат обод, қаю ишдин улус барбод бўлган”ини англаш мумкин, тарих тажрибасидан тўғри хулосалар чиқариб, улардан ибрат олиш, унумли фойдаланиш лозим[9].

Хулоса қилиб айтганда, жамиятнинг ўз-ўзини англаш шакли бўлган тарих, унинг муаммоларига зийраклик билан жавоб беради, ва ушбу муаммолар қанчалик сезиларли ва кескин бўлса, шунчалик уларнинг фан ҳолатига таъсири кенг қўламли бўлади. Мана шунинг учун тарих фанининг инқирози муаммосининг шунингдек ёрқин ифодаланган ижтимоий жиҳати ҳам мавжудки, у кризиснинг кечишини янада мураккаблаштиради ва кескинлаштиради. Ўз муаммоларини уйғунликда ҳал қилишга қодир ғарб цивилизациясининг тўхтовсиз олға интилувчи ривожланишига оптимистик ишончни аср бошидаги кескин ўзгаришлар тарқатиб юборди. Тараққиёт (прогресс) назарияси емирилди, яна ўтмишдан идеал топиш интилиши пайдо бўлди. Оптимистик орзулар билан бирга тарих образи – ўтмишни чуқур тушуниш асосида келажакни башорат қилишга қодир, ҳаётнинг доно устозининг ўзи ҳам барбод бўлди. Умуман олганда тарих ўзи керакми деган савол кескин турди.

References

1. Karimov I.A. Uzbekiston XXI asr bo'sag'asida: xavfsizlikka ta'hdid, barqarorlik shartlari va taraqqiyot kafolatlari. // Karimov I.A. Xavfsizlik va barqaror taraqqiyot yo'lidan. 6-jild.-T.: Uzbekiston, 1998.- B. 127

2. Alisher Navoiy. Xayratul abror.-T.: F. Fulom nomidagi Adabiyot va sanhat nashriyoti, 1996.
3. Xvostov V.M. Teoriya istoricheskogo 'rotsessa: Ocherki 'o filosofii i metodologii istorii. Kurs lektsiy Izd.stereoti'. Knijnqy dom librom, 2016. – 392s.;
4. Trubnikova N.V. Frantsuzskaya istoricheskaya shkola «Annalov». M. Kvadriga, 2016. 336s.;
5. Re'ina L. '. Istoriya istoricheskogo znaniya: 'osobie dlya vuzov / A. '. Re'ina, V. V. Zvereva, M. Yu. 'aramonova. — 2-e izd., stereoti'. — M.: Drofa, 2006. — 288 s.;
6. Xatton 'Istoriya kak iskusstvo 'amyati. S'b. Vladimir Dalg' 2003.424s.;
7. Istoricheskaya nauka i istoricheskoe soznanie. / B. G. Mogilg'nitskiy, I. Yu. Nikolaeva, S. G. Kim, V. M. Muchnik, N. V. Karnachuk. Tomsk. Izd-vo Tomskogo un-ta. 2000. - 234 s.
8. Fevr Lyusg'en. Boi za istoriyu. Ser: 'amyatniki istoricheskoy mqsli. 'erevod A.A. Bobovicha, M.A. Bobovicha, Yu.N. Stefanova. Statg'ya A.Ya. Gurevicha. Kommentarii D.E. Xaritonovicha. M Nauka 1991. . - S. 32.
9. Blok M. A'ologiya istorii ili remeslo istorika. Seriya 'amyatniki istoricheskoy mqsli. Izdanie vtroe, do'olnennoe. 'er. Ye.M.Lqsenko. 'rimechaniya i statg'ya A.Ya.Gurevicha. Moskva Nauka 1986. - S. 12.